



**15-16 APREL
2022**

**TOSHKENT
O‘ZBEKISTON**

**“GEOGRAFIK TADQIQOTLAR: INNOVATSION G‘OYALAR
VA RIVOJLANISH ISTIQBOLLARI”**

XALQARO ILMIY-AMALIY KONFERENSIYA



**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIIY VA O‘RTA MAXSUS TA‘LIM
VAZIRLIGI
MIRZO ULUG‘BEK NOMIDAGI O‘ZBEKISTON MILLIY UNIVERSITETI**

**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI FANLAR AKADEMIYASI
G.O. MAVLONOV NOMIDAGI SEYSMOLOGIYA INSTITUTI**

O‘ZBEKISTON GEOGRAFIYA JAMIYATI

**“TADQIQOT.UZ”
XALQARO ILMIIY JURNALLAR PORTALI**

**GEOGRAFIK TADQIQOTLAR:
INNOVATSION G‘OYALAR VA RIVOJLANISH
ISTIQBOLLARI**

**II
XALQARO ILMIIY-AMALIIY KONFERENSIYA
MATERIALLARI**

TO‘PLAMI

Toshkent - 2023

Geografik tadqiqotlar: innovatsion g'oyalar va rivojlanish istiqbollari:
II Xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya materiallari to'plam (15–16-aprel, 2022-yil, Toshkent). –Toshkent.: TADQIQOT.UZ, 2023. – 847 bet.



<http://doi.org/10.5281/zenodo.4751426>

To'plamda keltirilgan ilmiy tadqiqot ishlari natijalaridan tabiiy geografiya, atrof-muhitni muhofaza qilish va tabiiy resurslardan oqilona foydalanish, iqtisodiy va ijtimoiy geografiya, xorijiy mamlakatlar iqtisodiyoti va mamlakatshunoslik, tashqi iqtisodiy faoliyat, turizm, gidrologiya, gidrometeorologiya, geologiya, geodeziya, kartografiya hamda geoinformatika sohalaridagi mutaxassislar, ilmiy xodimlar, mustaqil izlanuvchilar, doktorantlar, magistratura va bakalavriat talabalari, umumiy o'rta ta'lim maktablari, o'rta maxsus, kasb-hunar ta'limi muassasalari o'qituvchilari hamda geografiya faniga qiziquvchilar foydalanishlari mumkin.

Tahrir kengashi:

g.f.d., professor Hikmatov F.H.
g.f.d., katta ilmiy xodim Rafiqov V.A.
g.f.n., dotsent Sharipov Sh.M.

Kengash a'zolari:

g.f.n., dotsent Tashtayeva S.K.
g.f.n., dotsent Shomurodova N.T.
PhD, dotsent Shomurodova Sh.G'.
PhD, dotsent Prenov Sh.M.
PhD, dotsent Raxmonov D.N.
PhD, dotsent Raxmonov K.R.
PhD, dotsent Umirzoqov G'.O'.

Mas'ul muharrir:

Ibragimov Sh.U.

©Mualliflar jamoasi

©tadqiqot.uz

МАРКАЗИЙ ФАРҒОНА ЧЎЛЛАРИНИНГ ЛАНДШАФТ-ЭКОЛОГИК ШАРОИТИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР

Мирзахмедов И.К.

Наманган давлат университети
e-mail: mirzahmedov1992@mail.uz

Уктамов У.Ш.

Андижон давлат университетининг Педагогика институти
e-mail: uktamovurayimjon@gmail.com

Аннотация: Мазкур мақолада Марказий Фарғона чўллари ландшафтларининг инсон хўжалик фаолияти таъсирида ўзгариши, унинг оқибатлари ва ландшафт-экологик муаммоларнинг олдини олишга қаратилган чора – тадбирлар ўз ифодасини топган.

Кплит сўзлар: чўл, арид, антропоген, ландшафт-экологик муаммо, компонент, мелиорация микроклим,

CHANGES IN THE LANDSCAPE AND ECOLOGICAL CONDITIONS OF THE CENTRAL FERGANA DESERTS

Mirzahmedov I.K.

Uktamov U.Sh.

Annotation: This article describes the changes in the landscapes of the Central Fergana Desert under the influence of human activities, its consequences and measures to prevent landscape and environmental problems. Annotation.

Keywords: desert, arid, anthropogenic, landscape-ecological problem, component, reclamation microclimate.

Фарғона водийси табиатига антропоген таъсирининг кучлилиги маданий ландшафтларни вужудга келиши билан бирга ландшафт-экологик муаммоларни ҳам келтириб чиқармоқда. Бу нохуш экологик муаммолар иқлим, ер усти ва ер ости сувлари, тупроқ, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига хос бўлиб, бу табиий компонентларнинг ўзаро таъсири барча ландшафтларга таъсири демакдир. Инсон хўжалик фаолияти давомида табиатнинг бир ёки икки компонентини ўзгартириш билан барча компонентларга ҳам таъсир этиб, унинг тадрижий ҳолатини, вазифасини ва мувозанатини бузилишига сабаб бўлади. Бундай жараёнларни Марказий Фарғона чўлларида вужудга келтирилган маданий ландшафтлар ва ўзлаштирилган ҳудудларида ҳам кузатиш мумкин. Мазкур ҳудудларда ҳам антропоген ландшафтларни тадқиқ этиш, хариталаштириш,

таснифлаш, ландшафт–экологик ёки табиий – географик жиҳатдан районлаштириш кабилар билан бир қаторда уларнинг табиий муҳитини оптималлаштириш муаммоси ҳам алоҳида эътиборга молик жараёнлар [2].

Марказий Фарғона чўлларида барпо этилган воҳа ландшафтлари асосан водийнинг чўлга туташ текисликларида, йирик ва майда дарё ёйилмаларида таркиб топган. Дарё ёйилмалари эса Фарғона водийсининг турли хил табиий ва иқлим шароитига эга бўлган ҳудудларида жойлашган.

Чўлларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олмай ерларни ўзлаштирилиши натижасида катта майдонларда тупроқ ювилиши, эрозия ҳодисаларининг турли кўринишлари, ер ости сувлари сатҳининг кўтарилиши натижасида шўртоб ва шўрхокланиш каби жараёнлар таркиб топган. Бунинг оқибатида кўплаб бузилган ландшафтлар вужудга келди [4]. Бинобарин, чўлларни ўзлаштириш ва улардан фойдаланиш борасида ер ва сувдан фойдаланишда илм – фан, техниканинг энг сўнгги ютуқларига ҳамда инсон хўжалик фаолиятининг ижобий таъсирига таяниш лозим [2].

Марказий Фарғона чўллари табиатига антропоген таъсирнинг кучлилиги маданий ландшафтларни вужудга келиши билан бирга ландшафт–экологик муаммоларни ҳам келтириб чиқармоқда. Бу ноҳуш экологик муаммолар чўлларнинг микроиқлими, ер усти ва ер ости сувлари, тупроқ, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига хос бўлиб, бу табиий компонентларнинг ўзаро таъсири барча ландшафтларга таъсири демакдир. Антропоген омиллар натижасида табиатнинг бир ёки икки компонентини ўзгартириш билан барча компонентларга ҳам таъсир этиб, унинг тадрижий ҳолати, вазифаси ва мувозанатини бузилишига сабаб бўлади. Натижада чўл ландшафтларида салбий экологик жараёнлар вужудга келиши мумкин, мавжуд ўрмонларни кесиш тупроқ эрозиясини кучайтишига, микроиқлимни ўзгаришига, чучук сув ресурсларини камайиб, табиий ўсимлик ва ҳайвон турларини йўқолиб боришига олиб келади [3].

Ўзлаштирилган чўл ҳудудларида деҳқончилик маданиятига амал қилмай иш олиб борилиши натижасида ўрмон ва боғларнинг мол боқиладиган ўтлоқларнинг йўқолиб бориши, кенг кўламдаги шудгорлаш майдонларининг вужудга келиши тупроқ эрозиясига (емирилишига) сабаб бўлади. Шунинг учун ўтмишда эрозиянинг турли кўринишларининг олдини олиш мақсадида, чўлларнинг ўзлаштирилган ҳудудларига турли дарахт ва ўсимликларни ўтқозиш ишлари йўлга қўйилган.

Марказий Фарғона чўллари водийда кенг кўламга эга бўлган ландшафт типларидан ҳисобланади. А.Абдулқосимов (2005) нинг маълумотларига кўра ландшафт-типологик комплекслари ичида эол қумликлари 521 кв.км. ёки водийнинг текислик қисмини 1,6 % ини эгаллаган бўлса, шўрхок чўллар 1254 кв.км. ёки 4,4 % майдонни ишғол этган [1]. Лекин бу ландшафт типлари кучли

антропоген тазйикқа учраганлиги, табиатини муҳофаза қилишда қуйидаги бир қатор нохуш экологик муаммолар мавжудлиги билан ажралиб туради:

- ❖ сизот сувлар сатҳи ва минерал таркибининг ўзгариб бориши;
 - ❖ иккиламчи шўрланишларнинг пайдо бўлиши ва шўрлашган ерлар қўламнинг кенгайиб бориши;
 - ❖ кимёвий ва минерал ўғитларни меъеридан ортиқча қўлланилиши оқибатида сув, тупроқ, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсининг зарарланиши ҳамда қишлоқ хўжалик экинлари, аҳоли ичида турли касалликларни келиб чиқиши;
 - ❖ табиий ўсимлик ва ҳайвонот дунёсининг деярли ўзгаришга учраганлиги ва айрим турларни йўқолиб кетаётганлиги;
 - ❖ барпо этилган саноат корхоналарининг номувофик жойлаштирилиши оқибатида уларнинг зарарли чиқиндилари томонидан атроф-муҳитнинг ифлосланиши кабилар кузатилмоқда.

Ҳозирги кунда Марказий Фарғона чўлларида амалга оширилаётган энг муҳим устивор вазифалар жумласига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- суғориш тизимлари ва иншоотларини қайта реконструкция қилиш;
 - ўзлаштирилган ерлардан самарали фойдаланиш, табиий ва иқтисодий географик омиларни ҳисобга олган ҳолда қишлоқ хўжалик экинларини ландшафт типларига мослаштириб жойлаштириш;
 - вужудга келтирилган антропоген ландшафтларни рекультивациялаштириш, фойдаланиш учун яроқсиз бўлган географик мажмуаларни оптималлаштириш ва уларнинг геоэкологик мувозанатини тиклаш;
 - чўл экосистемаларининг ривожланиши учун қулай шароит яратиш ва экологик жиҳатдан соғломлаштириш;
 - Марказий Фарғона чўлларининг турли ландшафт типларида тадқиқотлар олиб боришни йўлга қўйиш, бунинг учун эса махсус илмий экспедициялар ташкил этиш;
 - вужудга келган ландшафт-экологик муаммоларни бартараф этиш юзасидан Фарғона водийси олимларининг ҳамкорлигини мустаҳкамлаш кабилардир.

Ер шарининг деярли барча мамлакатларида, жумладан республикамизда ҳам тан олинган ва амалга оширилаётган барқарор ривожланиш концепцияси табиат, иқтисодиёт ва ижтимоий соҳаларнинг тенг ҳуқуқлилигига асосланади. Табиатнинг барча кўринишларидан, жумладан Марказий Фарғона чўллари табиий ресурсларидан ҳам оқилона фойдаланиш, уларни асраш, яхшилаш, муҳофаза қилиш, мавжуд экологик муаммоларнинг ечимини топиш кабилар барқарор ривожланишнинг асоси ҳисобланади. Шу муносабат билан табиатдан

фойдаланиш ва уни муҳофаза қилишни стратегик режалаштириш барқарор ривожланишни шакллантиришнинг энг муҳим воситаси ва ғоят зарур бўғинидир.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Абдулкосимов А.А., Боймирзаев К.М. Проблемы оптимизации экологического состояния антропогенных ландшафтов Средней Азии.// Education and Science for Sustainable Development. International Theoretical and Practical Conference. 6-8 april, Tashkent, Uzbekistan.-2016, 42-43 с
2. Боймирзаев К.М., Мирзахмедов И.К. Ўзлаштирилган арид ҳудудларнинг мелиоратив ҳолати ва уларни қулайликлаштириш // География XXI асрда: муаммолар, ривожланиш истиқболлари. Республика илмий – амалий конференцияси материаллари. Самарқанд, 2017 йил 121-122 бетлар.
3. Духовный В.А. Динамика современного водохозяйственного баланса Ферганской долины / В.А.Духовный, В.И.Соколов, М.Г.Хорст; под ред. В.А.Духовного// Сборник научных трудов. №13. Ташкент: НИЦ МКВК, 2013.
4. Максудов А. Изменение почвенно-экологических условий Ферганской долины под антропогенным воздействием. Ташкент. Фан. 1990. – 92 с.